

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ҚЎЗҒАТИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

Рустамов Санжар Сухробович

Ўзбекистон Республикаси

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси

Давлат-ҳуқуқий фанлар кафедраси доценти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20394704>

Ҳозирги глобаллашув ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида ҳуқуқий муносабатларнинг мураккаблашиб бориши шароитида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш давлатнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу борада ички ишлар органлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш ҳамда ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қонуний ва асосли тарзда қўзғатиш алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қўзғатиш босқичи бутун маъмурий юрисдикция жараёнининг дастлабки ва ҳал қилувчи босқичи бўлиб, кейинги процессуал ҳаракатларнинг қонунийлиги ҳам айнан шу босқичнинг қай даражада тўғри ташкил этилганлигига боғлиқдир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва қонунийлигини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини замонавий талаблар асосида такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, ички ишлар органлари фаолиятини рақамлаштириш, профилактика ва жамоат хавфсизлиги тизимини кучайтириш, маъмурий юрисдикция соҳасида процессуал кафолатларни мустаҳкамлаш каби йўналишларда муҳим чоратadbирлар қабул қилинди. Бироқ амалиёт таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қўзғатиш жараёнида айрим ҳуқуқий бўшлиқлар, процессуал ноаниқликлар ҳамда илмий-назарий ечимини кутаётган муаммолар сақланиб қолмоқда.

Жумладан, маъмурий иш қўзғатиш асосларини аниқ белгилаш, далилларни тўплаш ва баҳолашнинг ягона мезонларини шакллантириш, ваколатли мансабдор шахсларнинг процессуал ҳаракатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалалар долзарб аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, рақамли технологиялар ривожланаётган шароитда электрон далиллардан фойдаланиш, автоматлаштирилган назорат воситалари орқали аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича иш қўзғатиш тартибини илмий асослаш зарурати ҳам мавжуд.

Мазкур масаланинг долзарблиги яна шу билан изоҳланадики, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қўзғатиш жараёнида қонун устуворлиги, адолат ва инсонпарварлик тамойилларига қатъий риоя этиш

фуқароларнинг давлат органларига бўлган ишончини мустаҳкамлашда муҳим омил ҳисобланади. Шу сабабли ички ишлар органларининг мазкур соҳадаги фаолиятини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш, хорижий тажрибани ўрганиш ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда Беларусь Республикасининг тажрибасидан келиб чиқиб ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт, жой ва усулни аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мазкур тажрибанинг мамлакатимиз қонунчилигига жорий этилиши йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши усули, содир этилган вақти ва жойини аниқлаш орқали бу бора профилактик чораларни қўллашда тўғри қарор қабул қилиш имконияти вужудга келади.

Амалдаги маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 276 ва 277-моддаларида далиллар ва уларга баҳо бериш асослари белгиланган. Хусусан, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишга оид далиллар ҳар қандай фактик маълумотлардан иборат бўлиб, органлар (мансабдор шахслар) шу маълумотларга асосланиб маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати юз берган ёки бермаганлигини, муайян шахснинг уни содир этишда айбдорлигини ва ишни тўғри кўриб чиқиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни қонунда белгиланган тартибда аниқлайди.

МЖТКнинг 276-моддаси иккинчи қисмига кўра далиллар қуйидаги йўллар билан аниқланади:

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани расмийлаштириш орқали;

маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг тушунтиришлари орқали;

жабрланувчининг, гувоҳларнинг кўрсатувлари орқали;

эксперт хулосаси орқали;

мутахассис маслаҳати (тушунтиришлари) орқали;

ашёвий далиллар, ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш тўғрисидаги баённома орқали;

аудио-, видеоёзувлардан ва фотосуратлардан иборат материаллар, шунингдек бошқа материаллар орқали.

Шунингдек, далилларга ишнинг ҳамма ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва объектив жамлаб текширишга асосланган ўзининг ички ишончи билан қонунга амал қилган ҳолда баҳо берилади.

Кўриниб турибдики далилларни аниқлаш усуллари анча тор доирада белгиланган.

МДҲ мамлакатларидан Россия¹, Қозоғистон², Мольдова³, Беларусь⁴ республикаларнинг қонунчилигида маъмурий ҳуқуқбузарликлар

¹ Кодекс административного судопроизводства Российской Федерации // https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=73739.

² Кодекс Республики Казахстан об административных правонарушениях от 5 июля 2014 года №235-V ЗРК // https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=68438.

³ Административный кодекс Республики Молдова // от 19 июля 2018 года №116 https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=109126.

тўғрисидаги ишларни юритишда далилларни тўплашнинг қуйидаги усуллари ҳам белгилаб қўйилган. Хусусан, сўроқ қилиш, юзлаштириш, эксперимент ўтказиш каби турлари ҳам белгиланган.

Шу билан бирга далилларни тўплашга қаратилган ҳар бир процессуал ҳаракатни амалга оширишнинг аниқ механизмлари ва тартибини белгилаб қўйиш талаб этилади.

Шу бирга бугунги кунда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни тўхтатиб туриш асослари мавжуд эмас. Натижада жуда кўп ишлар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 271-моддасининг 7-бандига биноан тугатилмоқда.

Бизнинг назаримизда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишларни юритишни тўхтатиб туришнинг аниқ муддатлари ва асосларини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ. Бу борада МДҲга аъзо мамлакатларининг қонунчилигида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни тўхтатиб туришнинг аниқ асослари ва тартиби белгиланган. Хусусан, Озарбайжон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 104-моддасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритишни тўхтатиб туриш асослари сифатида қуйидагилар келтирилган:

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритилаётган жисмоний шахсни яширганда ёки бошқа сабабларга кўра маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритилаётган жисмоний шахснинг турган жойи аниқланмаган бўлса;

оғир касаллик туфайли ўзига нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритишда иштирок этишнинг иложи бўлмаса;

маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахс аниқланмаган бўлса⁴.

Беларусь Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги процессуал-ижроия кодексининг 12.2-моддасига кўра маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш муддатлари қуйидаги ҳолатларда тўхтатиб турилиши назарда тутилган:

экспертиза тайинланганда – экспертиза жавоби чиққунга қадар;

жабрланувчи - жисмоний шахс муомала лаёқатини йўқотган тақдирда - қонуний вакил тайинлангунга қадар;

агар маъмурий иш юритилаётган жисмоний шахс касаллиги ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўришда иштирок этишига тўсқинлик қиладиган бошқа узрли сабабларга кўра ишни кўришда иштирок эта олмаса ва кўрсатилган шахс ишни ўз йўқлигида кўриш учун ариза бермаган бўлса - тегишли сабаблар бартараф этилгунга қадар;

агар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўришда унга нисбатан маъмурий процесс олиб борилаётган жисмоний шахснинг иштирок этишини таъминлашнинг иложи бўлмаса, бундай иштирок этиш мажбурий бўлса, -

⁴⁴ Процессуально-исполнительный кодекс Республики Беларусь об административных правонарушениях // https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=129893.

¹¹ Административно-процессуальный кодекс Азербайджанской Республики // https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=29866.

иштирок этишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар бартараф этилгунга қадар тўхтатиб турилади.

Шунингдек, Қирғиз Республикасининг Ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 508-моддасига кўра ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритишни тўхтатиб туриш асослари, тартиби ва муддатлари белгиланган. Унга кўра жавобгарликка тортилаётган шахснинг турган жойини аниқланмаганда, ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахснинг руҳий ёки бошқа оғир касаллиги юз берганда, ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш доирасида тайинланган экспертиза бўйича хулосанинг мавжуд эмаслиги натижасида ваколатли орган иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилади¹.

Бизнинг фикримизча, мамлакатимиз қонунчилигида ҳам маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни тўхтатиб туриш учун асослар сифатида қуйидагиларни белгилаш мақсадга мувофиқ:

маъмурий жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахс аниқланмаганда;

маъмурий жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахснинг қаерда эканлиги номаълум бўлган;

маъмурий жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетган, башарти унинг ишга жалб қилиш имконияти бўлмаганда;

маъмурий жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахс ишни юритишда унинг иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли, лекин даволаб бўладиган касалликка чалинган ҳолларда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир кўплаб маъмурий ҳуқуқбузарликлар асосан жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахснинг аниқланмаганлиги ва шахсни жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги сабабли қонуний ҳал этилмасдан қолмоқда.

Учинчи босқич – маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорни ижро этиш босқичи. маъмурий ишлар бўйича чиқарилган қарорларни ижро этишнинг ўзига хос томонлари мавжуд. Масалан, йўл ҳаракатига оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар юзасидан маъмурий жарима, махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш ҳамда маъмурий қамоқ жазоларини ижро этишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 340-моддасига кўра транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарор ички ишлар органларининг мансабдор шахслари томонидан ижро этилади.

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарор ҳайдовчилик гувоҳномасини, шунингдек унинг талонини олиб қўйиш йўли билан ижро этилади.

¹¹ Кодекс Кыргызской Республики о правонарушениях // https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=136149.

Башарти ҳайдовчи транспорт воситаларининг айрим турларини бошқариш ҳуқуқидангина маҳрум этилган бўлса, ҳайдовчилик гувоҳномасига транспорт воситаларининг қайси турларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги ёзиб қўйилади.

Айнан ушбу босқичда маъмурий мажбурлаш чораларининг энг радикали, яъни маъмурий жазо чоралари қўлланади. Бу борада рус олимаси С.А. Романькова шундай таъкидлайди: “йўл ҳаракати соҳасида полиция томонидан қўлланиладиган маъмурий мажбурлаш - бу маъмурий-ҳуқуқий мажбурлашнинг бир тури бўлиб, у қоида тариқасида йўл ҳаракати қатнашчиларига нисбатан қўлланиладиган чеклаш чоралари тизимидир¹.

Тўртинчи босқич - апелляция босқичи (факультатив босқич) маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарордан норози бўлганда юзага келади. Шу сабабли ҳам ушбу босқични факультатив - қўшимча босқич сифатида баҳолаш мумкин.

¹¹ Романькова С.А. Административное принуждение, применяемое полицией в области дорожного движения: Автореферат дисс. канд. юрид. наук. – Омск, – 2017. – С.17.